

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2018
февраль

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

АДАБИЁТШУНОСЛИК

К.ШАҲОБОВ

Ш.Холмирзаевнинг “Динозавр” романида ўтиш даврининг бадиий талқини 55

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.ИСКАНДАРОВА, З.АБДУЛЛАЕВ

Турли тизимдаги тилларда антропонимларнинг шаклланиши ҳақида 58

Н.УМАРОВА

“Садди Искандарий” достонида денгиз сафарига доир “Ҳаракатлар стратегияси” ёхуд Навоийнинг орзулар кемаси концепти 61

З.АЛИМОВА

Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг “Зубдат ут–таворих” асарида қўлланган форсий сўзлар хусусида 64

И. ДАРВИШОВ

Жануби-ғарбий Наманган ареали қипчоқ тип шевалари шохобчасининг фонетик-фонологик хусусиятлари 68

И.БАБАКУЛОВ

Рус ва ўзбек тилида сўзлашув тоифалари “қуроли”нинг семантикаси 72

Р.МАДЖИДОВА

Инсоннинг ижтимоий-лингвистик ва психоллингвистик хатти-ҳаракатида нутқ маданияти 76

Ш.СУЛТОНОВА

Темпораллик категориясининг лисоний-фалсафий тадқиқи хусусида 81

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Ш.ХАНКЕЛЬДИЕВ, Г.БАЙДАДАЕВА

Ёш ўқувчиларнинг жисмоний имкониятларини ошириш учун педагогик технологияларни модернизация қилиш 84

Э.МИРЗАЖОНОВА

Алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болалар ижтимоий-маданий мослашувининг самарадорлиги масалалари. 89

ИЛМИЙ АХБОРОТ

А.ЮСУПОВА, С.ЎКТАМОВ

Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика дарсларида фанлараро алоқа 94

А.ИБРАГИМОВ, Р.КАРАБАЕВА

Аҳолини сифатли ёғ-мой маҳсулотлари билан таъминлаш муаммолари 96

О. ДАДАЖОНОВ

“Ёш Вертернинг изтироблари” асарида исёнкорлик руҳи 99

С.ҚУРБОНОВА

Замонавий тилшуносликнинг баъзи масалаларига доир 102

У.ҚЎЗИЕВ

Янги изоҳли луғатлар тузишда сўзларни таснифлаш асослари ҳақида 104

М.МИРЗАЖАНОВ, Н.РАСУЛОВА

Мультимедиали ўқув-методик мажмуалар таълим жараёнини индивидуаллаштиришнинг асоси сифатида 107

Д.КАРИМОВ

Ёш гимнастикачиларни махсус-физикавий ва техникавий назоратга тайёрлаш 110

АДАБИЙ ТАҚВИМ

ЭЗГУЛИККА БАХШИДА УМР 113

ХОТИРА

ИБРАТЛИ УМР СОҲИБИ 114

**“САДДИ ИСКАНДАРИЙ” ДОСТОНИДА ДЕНГИЗ САФАРИГА ДОИР
“ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ” ЁХУД НАВОИЙНИНГ ОРЗУЛАР КЕМАСИ КОНЦЕПТИ**

Н.Умарова

Аннотация

Мазкур мақолада Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достонидаги кема концепти ҳақида фикр юритилади.

Аннотация

В данной статье рассматривается концепт корабля в поэме Алишера Навои “Садди Искандарий”.

Annotation

The article considers ship concept in the poem “Saddi Iskandariy” by Alisher Navoi.

Таянч сўз ва иборалар: *достон, ҳаракатлар стратегияси, йўл харитаси, кема, саёҳат, концепт*

Ключевые слова и выражения: *поэма, стратегия действий, дорожная карта, корабль, путешествие, концепт*

Key words and expressions: *poem, action strategy, map of road, ship, travel, concept*

“Садди Искандарий” “Хамса” дostonлари орасида алоҳида ўрин тутса-да, бироқ аксарият кўпчилигимиз бу дoston тўғрисида Искандар курдирган улкан девордан бошқа тасаввурга эга эмасмиз. Аслида дoston кўплаб қизиқарли воқеалар асосига қурилган. Буюк Искандар ҳаёти битилган ушбу фатҳномани барча дostonларнинг етакчи ғояси бўлган комил инсон, шунингдек, адолатли шоҳ ҳақидаги Навоий қарашларининг мукамал лойиҳаси дейиш мумкин. Дostonда “Искандарнинг куёшдек жаҳонгирлигининг сўнгра дарёбор фатҳи учун орзу кемасига кириб, ҳавас елқанин тортқони ва ҳукамо иттифоқи била Рум дарёси соҳилида олам мулкининг моҳир нажжорларин йиғиб кема тартибига амр қилғони ва уч минг ҳилоли қавмонанд қурулғондин сўнгра миҳвар осотирлар била аларға қаттиқ ёйдин чиққан ўқдек равонлиқ бермақлари ва анинг ул сафина(кема)ларда мавж хутут (хатлар)идин биҳор (дарёлар) фатҳномасин ўқуғони” деб номланган LXXII боб [1.763-768] мавжуд. Ушбу боб пухта ҳисоб-китоб ва улкан рақамларни ўз ичига олади. Бу бобни Навоий тили билан айтганда, 3000та “орзулар кемаси”да узоқ муддатга мўлжалланган денгиз сафарининг “йўл харитаси” дейиш мумкин.

Алишер Навоий шоҳ Искандар тилидан кенг кўламли саёҳат стратегиясини баён қилар экан, аниқ ҳисоб-китобларга асосланган, пухта ишлаб чиқилган ушбу режани Президентимиз Ш.М.Мирзиёев бошчилигида юртимизда амалга оширилаётган 2017 - 2021-йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси”нинг айнан тарихий

аспектдаги ифодаси дейиш мумкин. Шоҳ Искандар узоқ муддатли денгиз саёҳатининг мукамал режасини тузиб, “Ҳаракатлар стратегияси”даги каби улкан кўламли ишларни амалга оширар экан, буларнинг барча-барчаси кема аҳлининг мавқе ва мартабасидан, қайси ижтимоий қатламга мансублигидан қатъий назар, саёҳатчиларнинг кемадаги фаровон турмуши учун ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратишни кўзда тутди.

Шоир денгизда саф тортиб турган “ҳавас елқанлар”и кўтарилган “орзу кемалари”ни дарёлар фатҳномаси битилган фармонга қиёслади. Ана шундай гўзал тасвирлар билан бошланган дебочадаёқ дostonнинг бу қисмида Искандар саргузаштларига доир қизиқ воқеликлар баён қилинишига ишора қилинади.

Искандар денгиз саёҳати ҳақида давлати олия билан кенгашич ва мажлис аҳли Искандар сўзини маъқуллагач, ўзидан кўнгли тўлиб, тездан ҳунарманд усталарга кема яшаш учун шошилинич ишга тушишларига фармон беради. Қандай асбоб-ускуна даркор бўлса, олиб **уч мингта кема** созласинлар, деркан, кемаларни қуйидагича тақсим қилади:

унинг минг донаси шоҳ ва у билан бирга ҳамроҳ бўладиган кишиларга хос бўлади (*Мингиким рақам айлаб ўз отиға/ Ки, бўлғай панаҳ баҳр офотиға./ Минг андин бўлуб шоҳ азмиға хос, Ҳамул элгаким келди базмиға хос*);

яна мингтаси арқони давлатнинг, яъни давлат арбобларининг денгизда кетишлари учун (*Яна минг ҳам арқони давлат учун, Сув*

Н.Умарова - ФарДУ доценти, филология фанлари номзоди

устида қилмоққа суръат учун);

саккиз юзтаси жанговар сипоҳларга ва икки юзтаси эса бозор-ўчар, олди-сотди қиладиган ходимларга мўлжалланади (*Секиз юз сипоҳийи жаррорға, Ики юз яна аҳли бозорға*).

Искандар денгизларнинг офатларига қарши қуролланган ва ўзи учун ажратилган мингта кемани тубандагича тақсимлади:

юзтаси худди шаҳардек катта кема бўлиб, унга тушган одам шаҳар ичида юргандек роҳатда бўлиши керак. Шаҳар бўлганда ҳам шундай шаҳар бўлсинки, унда кўча-куйлар, маҳаллалар ва қўноқхона, саройлар бўлсин (*Юзи жунг ўлуб ҳар бир андоққи шаҳр/ Ки, топқай киши шаҳрдек анда баҳр. / Бўлуб, ўйлаким шаҳр ҳар жунг аро, Маҳаллоту кую мақому саро*);

яна уч юзтасининг ҳар бири – бемалол мингтадан аскар сиғадигани кема бўлиб, ундаги ҳар бир одам саккиз йилга этадиган яроқ билан таъминланган ва хотиржам бўлиши шарт (*Бири минг сипоҳиға бўлғай маҳал / Ки, бўлғай бори ўз фароғи била, / Секиз йил кераклик яроғи била. / Яна уч юз ул навъким бехалал*);

яна икки юз кемага сафарда қатнашувчи кишилар учун ғамланган озиқ-овқат ортилиши керак эди (*Яна ики юз кемада зоди роҳ, Бўлуб ул иш аҳлиға оромгоҳ*);

яна юзтасига таноб ва арқонлар жойланиши лозим бўлиб, булар билан денгизнинг сатҳи ўлчанади (*Яна юзда солиб танобу расан, / Масоҳатни қилмоққа баҳр ичра фан*);

яна икки юзтасига туялар ва отлар жойлаштириладики, буларнинг қирғоққа

чиққанда керак бўлиши кўзда тутилган (*Яна ики юзда жаммолу сутур / Ки, шояд савоҳилға тушгай убур*);

яна икки юзта тез юрувчи, тезликка эга, шамол билан басма-бас ўйнайдиган қайиқ эди (*Яна юз келиб заврақи тезрав/Ки, элтиб сув узра сабодин гарав*);

қолган икки минг кема ҳам шуларга ўхшаш бўлиб, ҳаммасини зеб-зийнатлар билан — ҳашамдор қилиб битказишга буюрилди (*Яна ики минг ҳам бу тартиб ила, / Бутарга бори зийнату зеб ила*).

Бу буюк оламгирнинг сўнги сафари эди. Шунга яраша кема ҳам ана шундай муҳташам эди. Уч минг кема уч йил деганда битиб сувга тушар экан, бу ҳолни шоир шундай тасвирлайди: *Бу янглиғ ўтуб уч йилу бир нима, Тенгиз суйиға кирди уч минг кема/Анингдекки, тақсим топти бурун, Тутуб ҳар ким ўз кемасида ўрун. (СИ)*

Кемани қуришда 10000-15000 нажжор уста иштирок этган бўлса, уларни 2000-3000 иш бошқарувчи туну кун ишчиларни назорат қилиб турдилар.

Бу кишти ясар хайлнинг манзили,

Бўлуб Рум дарёсининг соҳили.

Ҳамул сув ёқоси ики-уч йиғоч,

Кўруб аррау тешадин куч йиғоч.

Ун-ўн беш минг устои нажжор эди

Ки, тун-кун иш устида даркор эди.

Яна **икки-уч минг** киши борча чуст,

Иш этмак учун кун-бакун бозжуст. (СИ)

Кемалар шоир томонидан тубандагича тақсимланган бўлиб, буларнинг барчаси матнда “кема” концептини намоён қилади:

Асосий лексик бирлик		К Е М А		
Атрибутив лексик бирлик				
уч минг (3000) Масолиҳки, даркордур ҳар нима Олиб, соз қилғайлар уч мине кема. ‘Тақсим маъноси [дона сон] билан]	Унинг	минг дона(1000)си	шоҳ ва у билан бирга ҳамроҳ бўладиган кишиларга хос бўлади	
	мингта(1000) си		аркони давлатнинг, яъни давлат арбоблари учун	
	саккиз юзта(800)си		жанговар сипоҳларга	
	икки юзта(200)си эса		бозор-ўчар, олди-сотди қиладиган ходимларга мўлжалланган	

ТИЛШУНОСЛИК

Концепт термини тилшуносликда ўтган асрнинг 80-йилларигача тушунча сўзига синоним сифатида ишлатилган бўлса [2.35-47], унинг ҳозирги вақтдаги изоҳи тушунча терминига нисбатан кенгроқ маъно касб этганини кўриш мумкин. Н.Ю.Шведова концептнинг тушунча эканлигини, бу тушунча ортида эса ижтимоий ёки субъектив тарзда англаувчи, инсон ҳаётининг муҳим моддий,

ақлий, руҳий томонини акс эттирувчи, ўз тарихий илдизларига эга бўлган, халқнинг умумий тажрибасини акс эттирадиган мазмун туришини қайд этади [3.603].

“Садди Искандарий” достонида “кема” лексемаси концепт сифатида ‘бутуннинг улуши’, ‘аталганлик’ ва ‘назарда тutilганлик’ каби тушунчаларни ифодалайди.

‘Бутуннинг улуши(тақсим)’	‘Ким ёки нима учун аталганлик’	‘Назарда тutilганлик’
юзтаси	саёҳатчи мансабдорлар	худди шаҳардек катта кема бўлиб, унга тушган одам шаҳар ичида юргандек роҳатда бўлиши керак; шаҳар бўлганда ҳам шундай шаҳар бўлсинки, унда кўча-куйлар, маҳаллалар ва кўноқхона, саройлар бор
яна уч юзтасининг ҳар бири	аскарлар	бемалол мингтадан аскар сиғадиган кема бўлиб, ундаги ҳар бир одам саккиз йилга этадиган яроқ билан таъминланган ва хотиржам бўлиши шарт
яна икки юз кемага	озиқ-овқат	сафарда қатнашувчи кишилар учун ғамланган озиқ-овқат ортилиши керак эди
яна юзтасига	аслаҳа ва анжомлар	таноб ва арқонлар жойланиши лозим бўлиб, булар билан денгизнинг сатҳи ўлчанади
яна икки юзтасига	иш ҳайвонлари	туялар ва отлар жойлаштириладики, буларнинг қирғоққа чиққанда керак бўлиши кўзда тutilган
яна икки юзта	шахс(мавҳум)	тез юрувчи, тезликка эга, шамол билан басма-бас ўйнайдиган қайиқ эди

“Садди Искандарий” достони ҳам бир қатор концептларни намоён этади. “Кема” достоннинг асосий концептларидан биридир. Матн орқали ифодаланган концепт вербал босқичда предмет ва ҳодисалар муносабатини акс эттирувчи типик вазиятлар ҳақидаги ахборот сифатида намоён бўлади. Бадиий асарларда матн воситасида ифодаланган концепт асосан индивидуал-муаллифий ҳамда бадиий концепт сифатида намоён бўлиб, муайян тушунча ҳақидаги билимларга мувофиқ келади. Бунда матн макропропозициясида тавсифланаётган концептнинг сўзловчи учун аҳамиятли бўлган бирор жиҳати ўз ифодасини топади. Матн воситасида ифодаланган концепт ўзбек тилида яратилган тавсифий характердаги,

шунингдек, шахснинг муайян руҳий ҳолати ифодаланган ва мавжудликни тасдиқлаш мазмунидаги микромаатнларда намоён бўлади [4.120].

Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достонида Искандар томонидан ишлаб чиқилган саёҳат стратегияси баён этилган тавсифий характердаги матннинг семантик ядросини кема лексемаси ташкил этади. Кема концепт сифатида қатор тушунчаларни бирлаштиради. Достонда “кема” концепти тор маънода ‘улкан микдор’, “бошловчи ва тугалловчи”, ‘бутуннинг улуши’, ‘ҳашамат’, ‘меҳнат’, ‘аталганлик’, ‘назарда тutilганлик’; кенг маънода эса ‘стратегия’, ‘сафар’ ва ‘саёҳат’ каби тушунчаларни намоён этади.

Адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Садди Искандарий. Насрий баёни. www.ziyouz.com kutubxonasi.
2. Демьянков В.З. Понятие и концепт в художественной литературе и в научном языке // Вопросы филологии. – М., 2001. - №1.
3. Шведова Н.Ю. Избранные работы. – М., 2005.

(Тақризчи: Ш.Искандарова, филология фанлари доктори, профессор).